

9 FEBRUARY



ISOC
INTERNATIONAL
SCIENTIFIC
ONLINE
CONFERENCES

INTERNATIONAL CONFERENCE IN

TURKEY

THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH

zenodo

OpenAIRE



info.interonconf@mail.ru

www.interonconf.org



TURKEY International scientific-online conference:
"THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH"

Part 33
FEBRUARY 9th

COLLECTIONS OF SCIENTIFIC WORKS

ISTANBUL 2025

~ 2 ~

LANGUAGE TEACHERS	
Sh.To'xtayev., H.Isaxanov ARRALI JIN ISHCHI KAMERASI SAMARADORLIGI VA SIFATINI OSHIRISH YO'LLARI	246
Fayziyev Baxodir DAVLAT BUDJET DAROMADLARINI KENGAYTIRISHDA SOLIQSIZ DAROMADLARINING TA'SIRI	251
Fayziyev Baxodir BIZNES JARAYONLARINI REINJINIRING QILISH	254
Moxitdinova Surayyo Akmalovna EKSPERT TIZIMLARIDAN FOYDALANISH. MA'LUMOTLARNI QAYTA ISHLASH TIZIMLARI	257
Alijonov.B.X O'ktamov Yodgorbek Ulug'bek o'g'li Jumaboyev Azizbek Akmaljon og'li Raxmatullayev Azizbek Ulug'bek o'g'li MA'RIFATPARVAR AJDODLARIMIZNING IBRATLI FAOLIYATI	260
Tursunov Tulqin Jo'raqulovich QISHLOQ XO'JALIGI EKNLARINING HIMOYA QILISH	263
Mamadjanova Shoira AKADEMIK LITSEYLARDA TIL KÒNIKALARINI INTEGRALLASHTIRIB ÒQITISH MUAMMOLARI	267
Касимов Бахтиёр Усманович ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ	271
Kasimov Baxtiyor Usmanovich BANK FAOLIYATI SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI	277
Kasimov Baxtiyor Usmanovich BANK FAOLIYATIDA BARQAROR MOLIALASHTIRISH IMKONIYATINI OSHIRISH YO'LLARI	282
Haydarov Usmon Amirqulovich TARBIYAVIY JARAYONLARINING TAKOMILLASHUVI VA MILLIY G'OYA TAMOYILLARI BILAN UYG'UNLASHUVI	288
З.Б.Джалилова ИНГЛИЗ ШЕЪРИЯТИДА МАРҲУМ ОБРАЗИНИНГ ФИТОНИМЛАР ВОСИТАСИДА БЕРИЛИШИ	293
Djalilova Zarnigor Bakhodirovna Nutfullayeva Lolakhon Firuzovna ADVERTISEMENT DISCOURSE: THE INFLUENCE OF CULTURE ON DEPICTION OF SLOGANS	298
Rayhonova Guljahon Ismoilovna NAVOIY ASARLARIDAGI AYOLLAR TIMSOLIDA KOMILLIK TALQINI	303
Sobitova Gulchehra Akmal qizi KOMPYUTER GRAFIKASI FANINI O'QITISHDA ILMIY METODIKALAR	311
Юлдашов Шерзод Сатторович СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ РАЗВИТИЯ МЕДИАКОМПЕТЕНТНОСТИ У ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ ВУЗОВ	317

ИНГЛИЗ ШЕЪРИЯТИДА МАРХУМ ОБРАЗИНИНГ ФИТОНИМЛАР ВОСИТАСИДА БЕРИЛИШИ

Ф.ф.ф.д. (PhD), доц. З.Б.Джалилова

Инглиз тилшунослиги кафедраси

Бухоро давлат университети

Аннотация: *Ҳар бир халқнинг маданиятида ўлим ва ҳаёт тўғрисидаги тасаввурлар ўзгача ифодаланади. Инсоннинг йўқлигига ишониш қийин, шу боис қадимданоқ фольклор ва адабиётда марҳумнинг образи табиатнинг бир қисми сифатида тасвирланган. Бу анъана, хусусан, шеъриятда яққол намоён бўлади. Шоирлар марҳумни фақат хотираларда эмас, балки табиат қиёфасида тириклигича кўришни истайдилар. Бу метафора нафақат аламни енгиш, балки ўлимни янги бир шаклда тушунишга уриниш сифатида ҳам намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан, ўлим ва гул образининг уйғунлиги кўплаб адабий асарларда муҳим рол ўйнайди. Шеърларда мойчечак, лола ёки бошқа гуллар нафақат гўзаллик ва ёшлик рамзи, балки бевақт кетган инсоннинг маънавий қиёфаси сифатида ҳам тасвирланади. Бу боис, инсон ва табиат ўртасидаги чексиз алоқа адабий анъаналарда тобора мустаҳкамланиб боради.*

Калит сўзлар: *фитонимларб марҳум образи, нилуфар, лавр, мойчечак*

Вафот этган инсонни гулга ўхшатиш ҳодисаси азалий поэтик анъаналардан бири бўлиб, унинг тарихий илдизлари қадимий анимистик ҳамда тотемистик қарашларга бориб тақалади. Хусусан, жаҳон халқлари фольклорида мавжуд йўқлов қўшиқларида бу анъана ёрқин кузатилади. Инглиз шеъриятида ҳам марҳумнинг хислатлариб ҳаётдаги яхши амалларини тасвирлашда фитонимлар фойдаланилишини кузатиш мумкин. Масаланб О.Увайлднинг “Requiescat” номли шеърининг мазмунига эътибор қаратилса, унда бевақт вафот этган аёл хотираси ёдга олинган. Шоирнинг унга нисбатан самимий муҳаббати, ҳурмати, соғинчи мадҳ қилиниб, ширин хотираси эъзозланган. Шоир аёл зиёратига келганларни у ётган қор остидаги тупроқни қаттиқ босмасликка, охиста қадам ташлашга, баланд овозда эмас, секин ва мулойим гапиришга, шу орқали марҳума руҳини безовта қилмасликка, абадий уйқусини бузмасликка ундайди. Чунки унинг ҳали ҳам ўзига яқинлиги, ҳаммасини кўриб турганлигига, айтилаётган ҳар бир гапни эшита олишига ишонади. Фақатгина унинг бир вақтлардагидай тилларанг тусдаги гўзал сочли аёл кўринишида эмас,

мойчечак гули шаклида намоён бўлиб турганини айтади. Шеърдаги мисралар унинг баҳор яқинлашаётганда ёзилганини кўрсатади.

Tread lightly, she is near
Under the snow,
Speak gently, she can hear
The daisies grow.
All her bright golden hair
Tarnished with rust,
She that was young and fair
Fallen to dust.
Lily-like, white as snow,
She hardly knew
She was a woman, so
Sweetly she grew.

Қизиғи шундаки, Марказий Осиё ва Эрон халқлари, жумладан, ўзбеклар орасида Наврўз олдидан қабр бошига чиқиб, ўтганларни хотирлаш удуми ҳалигача сақланиб келмоқда.⁴⁰ Шу жараёнда куйланадиган махсус йўқловлар ҳам яратилган. Уларда кўпинча табиатда юз бераётган гўзал ўзгаришлар, чор-атрофнинг турфа гулларга бурканиб бораётганини ўтганларнинг кўролмаётганлигига ачиниш бадий ифода қилинган. Ўзбек халқи орасида лола ва лолақизғалдоқ ўтган эски йилда ўлган марҳумларнинг қонидан униб чиқади деган тасаввурларни бадий ифодалантирган афсоналар ҳам бор.⁴¹ Афсоналарга кўра, ер ўлганларнинг қонини ўзига сўриб олиб, кейин уларни баҳор гулларига берармиш.⁴²

Шу таҳлиллар билан юқоридаги шеър мазмунини таҳлили ўзаро боғлаб мушоҳада қилинса, унда ҳам айнан марҳуманинг гулга қиёслантирилаётгани бежиз эмаслиги англашилади.

Ўзбек халқи орасида ҳалигача ёш вафот этганлар ҳақида “Ўн гулидан бир гули очилмай сўлган” ибораси ишлатилади. Аёли вафот этган эркаклар хотинига “вой, гулим” дея овоз солиб, қуйидаги каби йиғи қўшиқларини куйлашади:

Куймасин ҳеч кимнинг ҳаргиз қулба бирлан хонаси,
Сарғаймасин, вой алам-е, ҳаргиз гулдай танаси.⁴³

⁴⁰ Наврўз йўқлови // Наврўз (Наврўз билан боғлиқ қўшиқлар, афсоналар, одатлар ва примлар). Тузувчилар: Т.Мирзаев ва М.Жўраев. – Т.: Фан, 1992. – Б.31; Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Т.: Фан, 2004. – Б. 30-33.

⁴¹ Наврўз йўқлови // Наврўз (Наврўз билан боғлиқ қўшиқлар, афсоналар, одатлар ва примлар). Тузувчилар: Т.Мирзаев ва М.Жўраев. – Т.: Фан, 1992. – Б.42.

⁴² Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Т.: Фан, 2004. – Б. 32.

⁴³ Бўзлардан учган ғазал-ай. Ўзбек халқ йиғилари ва йўқловлари. – Бухоро, 2004. – Б.75.

Тирик ва соғлом инсоннинг танаси қизғиш тусда бўлса, марҳумлар сарик тусда бўлади. Юқоридаги мисраларда шу табиий ҳолатга ўзига хос ишора мужассам. Шунинг учун “гулдай тана” ҳамisha мадҳ қилинади.

Қабр зиёратига борганлар гул олиб бориб қўйиш одати деярли барча халқларда ҳозиргача сақланиб келмоқда.

А.Э.Ҳаусманнинг “To an Athlete Dying Young”, яъни эрта вафот этган спортчи-атлетга бағишланган шеърида шундай мисралар келтирилган:

Smart lad, to slip betimes away
From fields where glory does not stay,
And early though the laurel grows
It withers quicker than the rose.⁴⁴

Лавр – бу дафна дарахтининг япроғи. Дафна, аввало, юнон мифологиясидаги дарё маъбудининг қизи номини англатади. Яна бир томондан эса лаврдошларга мансуб дарахт номидир. Дафна Ўрта Ер денгизи ҳудудида ўсади. Кўринишига кўра кичик, сербарг, хушбўй, доимо яшил тусда бўлади. Қадимда Греция пойтахти Афинада ўтказилган спорт мусобақалари, олимпиадаларда ғолибларнинг бошига шу дарахтнинг барглари ва новдаларидан шухрат, ғалаба белгиси ёки олий мукофот сифатида ғолиб кишининг бўйнига осиладиган ёки бошига кийдириладиган гулчамбар ясалган. Шоир мана шу қадимий одатни ёдга олиб, дафнанинг атиргулдан кўра тезроқ сўлишини айтади ва пойгада ғолиб бўлган атлет ҳаётини унга қийслайди:

And round that early-laurelled head
Will flock to gaze the strengthless dead,
And find unwithered on its curls
The garland briefer than a girl's.⁴⁵

Шоир дафна гулчамбарни кийган бошга ўлим эрта соя солганидан куйинмоқда.

Б.Жонсеннинг “To the Immortal Memory and Friendship of that Noble Pair, Sir Lucius Cary and Sir Henry Morison” (Икки олийжаноб инсон, Сер Лицис Кери ва Сер Ҳенри Морисеннинг абадий хотираси ва дўстлигига бағишлов) асарида вафот этган икки дўстидан бирисининг ҳаётини эман, иккинчисини эса нилуфарга менгзайди. Эман узоқ яшаб, курук, барг ва новдалардан холи бир ёғоч бўлиб йиқилди, майда кўркам нилуфар ҳам худди ўша кунда вафот этгани, улар ёруғлик ўсимлиги ва гули бўлганлиги таъкидланган.

It is not growing like a tree

⁴⁴ Untermeyer L. Modern British Poetry. – N.Y.: The Quinn & Boden company, 1920. – P.38.

⁴⁵ Untermeyer L. Modern British Poetry. – New York: The Quinn & Boden company, 1920. – P.35.

In bulk doth make man better be;
 Or standing long an oak, three hundred year,
 To fall a log at last, dry, bald, and sere:
 A lily of a day
 Is fairer far in May;
 Although it fall and die that night,
 It was the plant and flower of light.
 In small proportions we just beauties see,
 And in short measures life may perfect be.⁴⁶

Шоир машхур инглиз адиби У.Шекспирга бағишлаб ёзган “To the Memory of my Beloved Mr. William Shakespeare” (“Севимли Уильям Шекспир хотирасига”) номли қасидасида ғалаба, шон-шавкат рамзи лавр фитпоэтонимиға мурожаат қилган. Юқорида таъкидланганидек, шоирларнинг лавр билан тақдирланиши уларнинг машхурлиги, ўз ишининг устаси каби хусусиятларга эғалигидан далолат берган.

Инглиз маданиятида гулларнинг ўлим тушунчаси ва мархумлар билан боғланиши худди ўзбек маданиятидаги каби чуқур илдизга эга. А.Меркатентнинг ёзишича, инглизлар ноҳақ айбланиб, ўлимга маҳкум қилинган кишининг қабрида унган нилуфар гули айбсизлигини кўрсатувчи белги эканлигига ишонишган. Гуллар ва ўсимликлар севишганлар қабридан униши ҳам кузатилган.

“Тристан ва Изолда” ҳақидаги асарда турли жойда айро дафн этилган севишганлар қабридан унган ўсимлик бир-бирига чирмашиб кетиши уларнинг ўлим орқали руҳи бирлашганининг рамзи бўлган.⁴⁷

Шу қаторда, XVI асрга мансуб “Fair Margaret and Sweet William” (“Гўзал Маргерет ва ёқимтой Уильям”) номли шотланд балладасида ҳам айро кўмилган икки севишганнинг қабридан черков томигача баланд бўлиб унган гулларнинг бир-бири билан боғланиши, уларнинг ўлимдан сўнг яна бирлашишгани рамзи сифатида тасвирланган.

Out of her breast there sprang a rose?
 And out of his a briar;
 They grew tall they grew unto the church top,
 And there they tied in a true lovers' knot.⁴⁸

Инглиз шеъриятида шахс сифатларининг фитонимлар воситасида поэтик ифодаланишига хос специфик хусусиятлар ҳам мавжуд. Инглиз

⁴⁶ Gardner H. The New Oxford Book of English Verse. – New York: Oxford University press, 1985. – P.209.

⁴⁷ Mercatent A.S. The Magic Garden: The Myth and Folklore of Flowers, Plants, Trees and Herbs. – New York: Harper and Row, 1986. – P.5.

⁴⁸ Mercatent A.S. The Magic Garden: The Myth and Folklore of Flowers, Plants, Trees and Herbs. – New York: Harper and Row, 1986. – P.5.

халқининг анъанавий ва замонавий шеъриятида фитонимларни (жумладан, кўпинча гулларни) образлантириш бадиий-эстетик тажрибаси анъанавийликка эга. Бунда шахс хусусиятларини фитонимлар (гуллар) орқали очиб бериш, сифатлаш муайян бадиий-эстетик тажриба даражасига кўтарилган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бўзлардан учган ғазал-ай. Ўзбек халқ йиғилари ва йўқловлари. – Бухоро, 2004. – Б.75.
2. Наврўз йўқлови // Наврўз (Наврўз билан боғлиқ кўшиқлар, афсоналар, одатлар ва примлар). Тузувчилар: Т.Мирзаев ва М.Жўраев. – Т.: Фан, 1992. –Б.42.
3. Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Т.: Фан, 2004. – Б. 32.
4. Gardner H. The New Oxford Book of English Verse. – New York: Oxford University press, 1985. – P.209.
5. Mercatent A.S. The Magic Garden: The Myth and Folklore of Flowers, Plants, Trees and Herbs. – New York: Harper and Row, 1986. – P.5
6. Untermeyer L. Modern British Poetry. – New York: The Quinn & Boden company, 1920. – P.35.
7. Djalilova, Z. (2020). Flowers symbolizing human features in english romantic poetry. *Центр научных публикаций (buxdu. uz)*, 1(1).
8. Djalilova, Z. (2023). Инглиз ва ўзбек шеъриятида хистуйғуларнинг “хиссиётбу ўсимлик” концептуал метафораси орқали ифодаланиши. *Центр научных публикаций (buxdu. uz)*, 29(29).
9. Djalilova, Z. (2022). Описание человеческого образа посредством цветов в английской поэзии. *Центр научных публикаций (buxdu. Uz)*, 26, 26.
10. Djalilova, Z. (2022). ИНГЛИЗ ШЕЪРИЯТИДА ИНСОН ОБРАЗИНИНГ ГУЛЛАР ОРҚАЛИ ТАСВИРЛАНИШИ. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 26(26).